

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020. I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНХЎЖАЕВ САРДОР ЖАМОЛИДДИН ЎҒЛИ

**КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
МАРКЕТИНГ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020. I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНХЎЖАЕВ САРДОР ЖАМОЛИДДИН ЎҒЛИ

**КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
МАРКЕТИНГ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Турсунхўжаев Сардор Жамолиддин ўғли Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириш.....	3
Турсунхўжаев Сардор Жамолиддин угли Совершенствование использования маркетинговых инструментов в обеспечении экономической безопасности предприятий.....	27
Tursunkhodjaev Sardor Jamoliddin ugli Improving usage of marketing tools in ensuring the economic security of enterprises	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12. 2020.I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУРСУНХЎЖАЕВ САРДОР ЖАМОЛИДДИН ЎҒЛИ

**КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
МАРКЕТИНГ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.11 – Маркетинг
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2022.2.PhD/Iqt2275 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (tsue.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Хошимов Ақром Абдиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Турсунов Бобир Ортиқмирзаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Муратова Шохиста Нигматуллаевна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Хотамов Ибодилла Сағдуллаевич
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «8» 11 соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (+99871) 239-01-49; факс: (+99871) 239-41-23; e-mail: tdu@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (+99871) 239-01-49; факс: (+99871) 239-41-23; e-mail: tdu@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «22» 10 куни тарқатилди.

(2022 йил «22» 10 даги 26-рақамли реестр баённомаси)



М.П.Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Д.М.Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д., доцент

Д.Х.Суюнов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиши шароитида етакчи тармоқларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш зарурати иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммосига турли жиҳатлардан ёндашувларга олиб келмоқда. Тармоқ корхоналарининг ушбу муаммоси ечимини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишга ўзига хос ёндашув сифатида қаралмоқда. «Жаҳонда охириги тўрт йилда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда маркетинг хизматлари ҳажми 130 миллиард доллардан 200 миллиард долларга етди. Катта миқёсдаги корпоратив маълумотлар базалари, мобиль иловалар, веб-таҳлил маълумотлари ҳамда ижтимоий медиа маълумотлари катта ҳажмдаги маълумотлар базаси билан ишлашга янги маркетинг воситаларини жорий этишни тақозо қилди. Маркетингнинг асосий жиҳати бўлган мижозлар билан муносабатларни яхшилаш, бир нечта турли хил маълумотлар манбалари бўйича корреляцияларни топиш ҳамда маҳсулот ёки хизматларни сотишни башорат қилиш каби вазифаларни бажариш учун маркетинг воситаларидан фойдаланиш долзарб ҳисобланади»¹. Мазкур ҳолатлар бугунги кунда етакчи ва истиқболли тармоқ ҳисобланган электротехника саноатини барқарор ривожланишини таъминлашда маркетинг воситаларидан кенгроқ фойдаланишни тақозо этмоқда.

Электротехника саноати ривожланган давлатларда мазкур тармоқда ресурс ва энергия тежаш технологияларидан кенг фойдаланиш асосида бошқа тармоқлардаги маҳсулот таннархини пасайтириш, институционал, ҳуқуқий ва инвестицион муҳитни яратиш, корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш, тармоқни модернизациялаш, бошқариш тизимида бозор механизмларини кенг жорий қилиш, корхоналарни иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, электротехника саноати корхоналари иқтисодий хавфсизлигини замонавий маркетинг ёндашувлари асосида таъминлашнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб илмий йўналишларидан ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётимизнинг, жумладан, электротехника саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база яратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонида², хусусан, «миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда электротехника саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, мавжуд ички

¹Stephen L. France, Sanjoy Ghose. Marketing analytics: Methods, practice, implementation, and links to other fields. Expert Systems with Applications. Volume 119, 1 April 2019, Pages 456-475. <https://doi.org/10.1016/j.eswa.2018.11.002>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. -<https://lex.uz/docs/5841063>

имкониятлардан ва ресурсларидан самарали фойдаланишни, моддий-техник базасини тубдан янгилашга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги ПҚ-4090-сон «Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сон «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги ВМҚ-5011-сон «Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 30 октябрдаги ВМҚ-631-сон «2019 – 2022 йилларда электротехника саноатини жадал ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корхоналарни иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш масалалари хорижий олимлардан И.Тюнен, В.Лаундхардт, А.Вебер, А.Лёш, В.Кристаллер, Д.Маркусен, Д.Даннинг, С.Тауэр, Р.Ганесхан, Д.Нрасад, Г.Санил, С.Кохен, Р.Маллик, Н.Стюарт, Х.Джеймс, В.Белл, С.Лэлл, Т.Хикин, А.Амсдэн, М.Хобдэй, Й.Чуанг ва бошқаларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган³.

МДХ олимларидан Доронин А.И., Соломанидина Т.О., Юшук Е.Л., Мальцева А.А., Яковец Ю.В., Кузык Б.Н., Кушлин В.И., Губернаторов А.М., Корецкая Л.К., Белова О.А., Сергеева И.А., Степченко Т.С., Довбыш В.Е ва бошқаларнинг илмий ишларида корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари ўрганилган⁴.

³Talaoui, Y. and Kohtamäki, M. (2020), «35 years of research on business intelligence process: a synthesis of a fragmented literature», *Management Research Review*, Vol. ahead-of-print No. ahead-ofprint. DOI: <https://doi.org/10.1108/MRR-07-2020-0386>; Nyanga, C., Pansiri, J. and Chatibura, D. (2019), «Enhancing competitiveness in the tourism industry through the use of business intelligence: a literature review» // *Journal of Tourism Futures*. Vol. 6 No. 2, pp. 139-151. DOI: <https://doi.org/10.1108/JTF-11-2018-0069>; Fahey, L. (2007), «Connecting strategy and competitive intelligence: refocusing intelligence to produce critical strategy inputs», *Strategic Direction*, Vol. 23 No. 4. DOI: <https://doi.org/10.1108/sd.2007.05623dad.003>; Platt, W. *Strategic Intelligence Production. Basic Principles*. – New York: Frederic A. Praeger, 1957.

⁴Демин А. Государственная политика в области импортозамещения. Москва, 2004 г. стр-15. Грибов В.Д., Грузинов В.П., Кузьменко В.А. Экономика организации (предприятия): учебник. – М.: КноРус, 2014. – 407 с.; Доронин А. И. Бизнес-разведка. – М.: Ось-89, 2010. – 704 с.; Лемке Г.Э. Коммерческая разведка для конкурентного превосходства. – М.: Московская Финансово-Промышленная Академия, 2011. – 352 с.; Сатлер В.В. Использование конкурентной разведки для повышения конкурентоспособности предприятия [Электронный ресурс] // Актуальные вопросы экономических наук. – 2009. – С. 170-175.; Соломанидина

Ўзбекистонда эса корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари Бурханов А.У., Абулқосимов Х.П., Маҳмудов Э.Х., Пардаев М.К., Аминов З.Ю., Муратова Ш.Н., Икрамов М.А., Бекмуродов А.Ш., Болтабоев М.Р., Эргашходжаева Ш.Дж., Хақимов З.А. ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг ёритилган⁵.

Бироқ, юқоридаги муаллифларнинг илмий ишларида электротехника саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланиш масаласи етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу муаммони ҳал этиш зарурияти тадқиқот мавзусини, мақсад ва вазифаларни белгилашга имконият яратади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ФЗ-2019081645 рақамли «Иқтисодий хавфсизликни баҳоловчи индикаторларнинг чегаравий миқдорини ва уларнинг дастурий таъминотини яратиш» (2020-2021 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланиш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш ва умумлаштириш;

корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишга оид илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

электротехника саноатининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш;

Т.О. Кадровая безопасность компании. – М.: Изд. «Альфа-Пресс», 2011. – 688 с.; Ющук Е. Л., Мальцева А.А. Конкурентная разведка. Учебное пособие в двух частях. – Екатеринбург: Изд-во УрГЭУ, 2015. – с. 224.; Яковец Ю.В., Кузык Б.Н., Кушлин В.И. Прогнозирование, стратегическое планирование и национальное программирование: учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Экономика, 2013. – 604 с.; Губернаторов А.М., Корецкая Л.К. Конкурентная разведка как эффективный инструмент конкурентной борьбы // Экономика и управление: проблемы, решения. – 2018. – Т. 2. – № 11. – С. 24-28.; Белова О.А., Сергеева И.А. Конкурентная разведка и промышленный шпионаж как инструмент конкурентной борьбы и обеспечения экономической безопасности // Сборники конференций НИЦ Социосфера. – 2020. – № 24. – С. 164-167.; Степченко Т.С., Довбыш В.Е. Промышленный шпионаж и конкурентная разведка как современные методы изучения ситуации на рынке // Экономика и предпринимательство. – 2015. – № 11-1 (64). – С. 900-903. - Бурханов А.У. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт. Монография. - Тошкент: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2019. -160 б.; Маҳмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. - Т.: ТДИУ 2004. - 208 бет.; Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Т.: Академия, 2006, 111 - б.; Пардаев М.К., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Рисола. Самарканд: Зарафшон, 2008.- 47 бет.; Муратова Ш.Н. Саноат тармоқлари махсулотларининг иқтисодий-экологик хавфсизлигини таъминлаш услубиятини такомиллаштириш («Ўзбекқўмир» АЖ мисолида) и.ф.д. (DSc) ил. дар. олиш учун автореф.-Т.-2021, -81 б.; Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Strategik marketing. – Т.: TDIU, 2010; Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. – Т.: Фан, 2004.; А.Хақимов. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. Тошкент давлат иқтисодиёт университети. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. 2018 йил. 149 бет.

корхоналар иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи омилларнинг
эконометрик таҳлилини амалга ошириш;

корхоналар иқтисодий хавфсизлигини юзага келтирувчи муаммоларни
аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг
воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва
тавсиялар ишлаб чиқиш;

корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг
воситаларидан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларини кўрсатиб
бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси
таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги ва маркетинг фаолияти
олинган.

Тадқиқотнинг предметини корхоналар иқтисодий хавфсизлигини
таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий
ва иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ижтимоий
сўровномалар, тизимли ва комплекс ёндашув, эконометрик моделлаштириш,
иқтисодий ҳамда статистик таҳлил, қиёсий ва динамик таҳлил, эксперт
баҳолаш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рақобат шароитида электротехника саноати корхоналари иқтисодий
хавфсизлигини таъминлашда ички аудит ва комплаенс хизмати асосида
иқтисодий хавфсизлик бўлимини ташкил этиш таклифи асосланган;

электротехника саноати корхоналарининг иқтисодий хавфсизлиги
диапазонини энг паст даража (-1 гача), паст даража (-1 дан 0 гача), ўрта
даража (0 дан 0,9 гача), юқори даража (0,91 дан юқори) чегараларида
баҳолаш таклиф этилган;

электротехника саноати корхоналари фаолияти маркетинг тадқиқотлари
таркибига иқтисодий хавфсизлик бўйича ахборот-таҳлил мониторинг
тизимларини интеграциялаш орқали корхоналар иқтисодий барқарорлиги
даражасини ошириш имконияти асосланган;

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибидаги «Foton» АЖ ва «Zenit
electronics» МЧЖнинг 2030 йилгача бўлган даврдаги иқтисодий
хавфсизлигининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«рақобат разведкаси», «корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги»
тушунчасига оид илмий-назарий қарашлар тизимлаштирилган;

корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш усуллари ишлаб
чиқилган;

саноат корхоналари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг
воситаларидан фойдаланишга оид илғор хорижий давлатлар тажрибалари
ўрганилиб, тармоқ корхоналарига татбиқ этиш бўйича илмий таклифлар
ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда электротехника саноати корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга таъсир қилувчи омиллар аниқланган; корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

корхоналар иқтисодий хавфсизлигига таъсир қилувчи миқдорий омилларнинг таъсири эконометрик таҳлил асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон электротехника саноати корхоналари фаолиятини ўрганишда қўлланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, илмий янгиликлар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан мазкур мавзуни тадқиқ этишнинг илмий-назарий асосларини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан электротехника саноати корхоналарини иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишга оид илмий-услубий ишланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг электротехника саноати корхоналари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириш, соҳани ривожлантиришга қаратилган бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, олий ўқув юртларида соҳага оид фанлар, хусусан, «Маркетинг», «Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги», «Иқтисодий хавфсизлик» каби фанлардан дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда илмий манба сифатида кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

рақобат шароитида электротехника саноати корхоналари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда ички аудит ва комплаенс хизмати асосида иқтисодий хавфсизлик бўлимини ташкил этиш таклифи «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини ошириш ҳамда ривожлантириш дастурларига жорий этилган («Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг 2022 йил 18 июлдаги 04-3/1659-сон маълумотномаси). Натижада «Foton» АЖ ва «Zenit electronics» МЧЖларда мазкур бўлим хизматини йўлга қўйиш орқали стратегик ва тактик даврларда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилган;

электротехника саноати корхоналарининг иқтисодий хавфсизлиги диапазонини энг паст даража (-1 гача), паст даража (-1 дан 0 гача), ўрта даража (0 дан 0,9 гача), юқори даража (0,91 дан юқори) чегараларини

баҳолаш таклифи «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини ошириш ҳамда ривожлантириш дастурларига жорий этилган («Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг 2022 йил 18 июлдаги 04-3/1659-сон маълумотномаси). Натижада «Foton» АЖ ва «Zenit electronics» МЧЖ корхоналарида иқтисодий хавфсизлик даражаси баҳоланиб, иқтисодий хавфсизликка хавф солувчи ички таҳдидлар аниқланган, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкони яратилган;

электротехника саноати корхоналари фаолияти маркетинг тадқиқотлари таркибига иқтисодий хавфсизлик бўйича ахборот-таҳлил мониторинг тизимларини интеграциялаш орқали корхоналар иқтисодий барқарорлиги даражасини ошириш таклифи «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини ошириш ҳамда ривожлантириш дастурларига жорий этилган («Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг 2022 йил 18 июлдаги 04-3/1659-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этилиши натижасида «Foton» АЖ ва «Zenit electronics» МЧЖда дебиторлик ва харажатларни оптималлаштириш асосида кредиторлик қарзларини 37 фоизга камайтириш, харажатларни 13,5 фоизга қисқартириш имкони яратилган;

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибидаги «Foton» АЖ ва «Zenit electronics» МЧЖнинг 2030 йилгача бўлган даврдаги иқтисодий хавфсизлиги прогноз кўрсаткичлари «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини ошириш ҳамда ривожлантириш дастурларига жорий этилган («Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг 2022 йил 18 июлдаги 04-3/1659-сон маълумотномаси). Натижада «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарни ривожлантиришнинг 2030 йилгача бўлган даврдаги ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда асосий кўрсаткич ва параметрларни ўзаро мувофиқлаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар 5 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган ва хўжалик юритувчи субъектлар амалиётига жорий этишга тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган журналларда 8 та мақола (жумладан, 5 таси республика, 3 таси хорижий журналларда), 11 та маъруза тезислари конференция материалларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур диссертация 3 та боб ва 9 та параграфдан иборат. Ишнинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб

берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари» деб номланган биринчи бобида корхоналар иқтисодий хавфсизлигини маркетинг воситалари асосида таъминлашнинг илмий-назарий асослари ўрганилган, корхона маркетингида рақобат разведкасини ривожланиш босқичлари ва тамойиллари келтирилган, илғор хорижий тажрибаларни чуқур ўрганиш асосида корхоналар иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилган.

Саноат корхоналари фаолияти учун бозордаги тенденцияларнинг ноаниқлиги, истеъмол талабининг паст даражаси, ресурс салоҳияти, инвестицион ва инновацион фаоллик даражасининг пасайиши, узоқ муддатли банк кредитлаш бозорининг ривожланмаганлиги билан боғлиқ кўплаб ташқи ва ички таҳдидларнинг мавжудлиги иқтисодий инқирозни келтириб чиқарувчи асосий детерминантлар ҳисобланади. Бундай таҳдидларнинг таъсири иқтисодий йўқотишларга ва корхонани инқироз ҳолатига олиб келади. Шу сабабли корхоналарнинг маркетинг фаолиятида салбий таъсирларга жавоб бериш тезлигини ошириш ва корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммоси биринчи ўринга чиқади. Ушбу муаммони ҳал қилиш йўналиши корхонанинг барқарор ишлаши ва ривожланишига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини бошқариш моделлари мажмуасини ишлаб чиқиш заруриятини юзага чиқаради. Шунингдек, саноат корхоналари фаолиятидаги яна бир асосий муаммо рақобатчилар таҳдидларига нисбатан бардошли бўлган рақобатда устунликни таъминлашнинг маркетинг стратегияларини танлаш ва асослашдир.


Корхонанинг стратегик ёндашувларини танлаш маркетинг комплексига асосланади. Классик маркетинг мажмуаси ҳисобланган «4P» стандарт бўлишига қарамай, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ушбу элементлар бугунги замонавий ахборот технологиялари ривожланган шароитга юқори натижа бермайди. Бундай стратегия корхона томонидан рақобатчилар орасида муҳим бўлган бир қатор афзалликларни яратиш имкониятинигина таъминлайди. Умуман олганда, маркетинг стратегияларига маълум маркетинг воситаларидан фойдаланиш орқали корхонанинг узоқ вақт давомида бозор фаолияти самарадорлигини оширадиган, зиддиятли ва доимий ўзгариб турадиган бизнес ва ижтимоий муҳитга мослаша олдиган дастур сифатида қаралиши керак.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, саноат корхоналарининг маркетинг воситаларидан фойдаланиши асосида иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми 1-расмда келтирилган.

Саноат корхоналарининг маркетинг ёндашуви асосида иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг таклиф этилган механизми умумий бошқарув функцияларини (режалаштириш, таҳлил қилиш, ташкил этиш, мотивация, назорат қилиш) акс эттиради, кўп қиррали ихтисослашувга эга бўлган

фаолиятга юқори даражада мослашиш хусусиятини таъминлайди. Саноат корхоналарининг барча ишлайдиган қуйи тизимлари маркетинг билан шуғулланади ва бир қатор афзалликларни беради, жумладан:

- бозор муҳити, талаб ва таклиф омилларини тадқиқ қилиш ва баҳолаш;
- корхонани прогнозлаш ва стратегик йўналтириш;
- атроф-муҳит омилларининг таъсирига тезкор жавоб бериш;
- маркетинг комплексини шакллантириш жараёнида замонавий воситалардан фойдаланиш;
- истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини чуқур ўрганиш ва янада қондириш;
- саноат корхоналари маҳсулотларини жойлаштиришнинг самарали стратегиясини танлаш ва бошқалар.



1-расм. Саноат корхоналарини маркетинг воситаларидан фойдаланиш асосида иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми⁶

Доимий кучайиб бораётган рақобат шароитида саноат корхоналари бозорга киришнинг янги усуллари излашга ва мавжудларини сақлаб

⁶ Муаллиф ишланмаси

қолишга мажбур. Савдо маркетинги воситаси реклама билан чамбарчас боғлиқ. Саноат корхоналарида маҳсулотни илгари суриш ва рағбатлантириш стратегиясини танлаш мақсадга мувофиқдир, чунки мажбурий стратегияни танлаш учун катта сармояни талаб қиладиган брендингни амалга ошириш керак.

Саноат корхоналари маҳсулотларини рағбатлантириш учун харажатларнинг минимал миқдорини ажратишини ҳисобга олган ҳолда, коммуникация сиёсатининг асосий элементларининг қуйидаги воситаларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади:

1. Реклама (ўз веб-сайтини, ташриф қоғозларини яратиш; хавфсизлик девори ва билбордлар яратишни назарда тутати);

2. Сотишни рағбатлантириш (нархлаштиришнинг рақобатчиларга асосланган усулларида фойдаланиш, доимий ҳамкорлар ва истеъмолчилар учун чегирмалар, товарларни бепул етказиб бериш ва ҳ.к. лар);

3. Шахсий савдо (потенциал сотувчилар билан телефон орқали мулоқот қилиш; истеъмолчилар билан маҳсулотларининг сифати ва уни сотиб олишда мумкин бўлган афзалликлари (аҳоли, улгуржи ва чакана бозорлар ва бошқалар ҳақида мулоқот қилиш).

Бундан ташқари, маркетинг ёндашуви асосида саноат корхонасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми қуйидагиларга имкон беради: маркетинг бошқарувнинг аниқ функциялари тизимига интеграциялашуви; маркетинг тизимини тизимнинг бошқа компонентлари билан бирлаштириш; ахборот оқимлари циклида маркетингни марказлаштириш ва рақобатда самарали устунликни таъминлаш.

Илмий тадқиқотларда корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда асосий эътибор рақобатда устунликни таъминлашга йўналтирилган воситаларга қаратилади. Шунга кўра, диссертацияда «рақобат разведкаси» воситасидан фойдаланиш иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналиши сифатида қаралади.

Муаллифнинг фикрича, рақобат разведкаси бу – бизнесни стратегик мақсадларига эришишда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун рақобатчилар ҳақида қонуний усулларда, махфийлик режимида ахборотни тўплаш, маълумотларни қайта ишлаш, баҳолаш ва йиғиш, уларни таҳлил қилишдан иборат бўлган рақобатчилик муҳитини ўрганиш асосида рақобат устунликларига эга бўлишнинг маркетинг воситасидир. Разведка қилиш – бу бозорларни батафсил билиб олиш, улар бўйича чуқур билимларга эга бўлишдир. Ҳозирги пайтда рақобат разведкаси ва саноат айғоқчилигининг бир-бирига аралаштириб юборилиши кўп учрайди. Саноат айғоқчилиги сотув бозорларини қўлга олиш, рақобатчиларнинг обрўсини тушириш ва бартараф этиш, иш юзасидан музокараларни бузиш, рақобатчининг тижорат сирини ташкил қиладиган ахборотни ўғрилаш, тазйиқ ўтказиш, тамагирлик қилиш ва ҳаттоки террористик хуружларни тайёрлаш мақсадида амалга оширилади. Саноат айғоқчилиги – бу ноқонуний фаолият, ноҳалол рақобатчилик шакли. Рақобат разведкаси ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятларда бундай мақсадларни кўзламайди.

Ҳозирги вақтда саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида рақобат разведкаси усулидан кенг фойдаланилади. Рақобат разведкаси – бу фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбалари ёрдамида рақобатчилар тўғрисида маълумотларни мақсадли йиғишдир. Мазкур усул рақобатчи корхоналарни комплекс таҳлил қилишни шакллантириш имкониятини таъминлайди, у замонавий трендлар, истеъмолчилар афзалликларини тушуниш ва таҳлил қилишга, саноат корхоналарининг хўжалик ва молиявий фаолиятини режалаштиришга имкон беради.

Рақобат разведкаси воситаларидан фойдаланиш асосида саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда унинг самарадорлигини баҳолаш муҳим ҳисобланади ва баҳолаш кўрсаткичлари қуйидагилардир: корхонани ишбилармон фаоллиги, молиявий барқарорлик ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги. Диссертацияда корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги диапазонини турли чегаралар асосида баҳолаш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб берилган. Иқтисодий хавфсизлик диапазонини турли чегараларини аниқлаш учун статистик таҳлилнинг факторли модели асосида имитацион моделлаштириш амалга оширилган. Имитацион моделлаштириш учун корхонанинг ишбилармонлик фаоллиги, рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги каби кўрсаткичлар танлаб олинган.

Ишбилармонлик фаоллиги саноат корхонаси хўжалик фаолиятини динамик ривожланиши даражасини кўрсатади ва ҳисоблашда қуйидаги омиллар индикаторлар сифатида танланган: умумий капиталнинг айланиш коэффициенти; тезкор айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти; қайтариш коэффициенти; ўз маблағларининг айланиш коэффициенти; моддий маблағларнинг айланиш коэффициенти; пул маблағларининг айланиш коэффициенти; ҳисоб рақамдаги маблағларнинг айланиш коэффициенти; кредиторлик қарздорликнинг айланиш коэффициенти.

Молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун энг муҳим бўлган коэффициент – бу капиталнинг умумий айланиб туриши самарадорлиги даражасини кўрсатувчи корхонанинг молиявий ва хўжалик фаолияти рентабеллиги ҳисобланади.

Молиявий барқарорлик корхонани молиявий мустақиллик даражасини, унинг тўлов қобилиятини ифодалайди.

Иқтисодий хавфсизликни баҳолаш моделининг иқтисодий самарадорлик коэффициенти интеграл кўрсаткичи асосида қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$K_{\text{икт.сар.}} = \sqrt[5]{K_{\text{у.к.а.}} * K_{\text{т.а.м.}} * K_{\text{к}} * K_{\text{ў.м.а.}} * K_{\text{т.л.с.а.}} * K_{\text{п.л.с.а.}} * K_{\text{к.қ.а.}} * \frac{\text{МБ}}{100} \%}$$

Бунда;

$K_{\text{икт.сар.}}$ - иқтисодий самарадорлик коэффициенти;

$K_{\text{у.к.а.}}$ - умумий капиталнинг айланиш коэффициенти;

$K_{\text{т.а.м.}}$ - тезкор айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти;

$K_{\text{к}}$ - қайтариш коэффициенти;

- К_{ў.м.а.}-ўз маблағларининг айланиш коэффициентини;
- К_{м.м.а.}-моддий маблағларнинг айланиш коэффициентини;
- К_{п.м.а.}- пул маблағларининг айланиш коэффициентини;
- К_{х.р.а.}- ҳисоб-китобларда айланиш коэффициентини;
- К_{к.к.а.}-кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициентини;
- МБ- молиявий барқарорлик коэффициентини.

Моделнинг афзаллиги, унда корхона молиявий ҳолатини ташкил этувчи омиллар негизида корхона фаолиятининг молиявий кўрсаткичларини синчиклаб тадқиқ қилиш имкони мавжудлигидан иборат. Моделнинг камчилиги эса ҳисоблашларнинг мураккаблигидир.

Рақобат разведкаси воситалари ёрдамида корхона иқтисодий хавфсизлигини ҳисоблаш корхона фаолиятини олдинги ва кейинги даврдаги кўрсаткичларининг даражасини ҳисоблашдан иборат. Рақобат разведкаси воситалари асосида иқтисодий хавфсизлик даражаси шкаласи тавсия этилади (1-жадвал).

1-жадвал

Рақобат разведкаси воситалари асосидаги иқтисодий хавфсизлик даражаси шкаласи⁷

Иқтисодий хавфсизлик даражалари	Мезонлар
Энг паст даража	- 1 гача
Паст даража	-1 дан 0 гача
Ўртача	0 дан 0,9 гача
Юқори даража	0,91 дан юқори

Иқтисодий хавфсизлик даражаси шкаласи қуйидагича: (энг паст даража – 1 гача, паст даража – 1 дан 0 гача, ўртача – 0 дан 0,9 гача, юқори даража – 0,91 дан юқори).

Иқтисодий хавфсизликнинг энг паст даражаси корхона молиявий ҳолатини манфий кўрсаткичлари билан ифодаланади, бу вазият танглик ҳолати деб баҳоланади. Иқтисодий хавфсизликнинг паст даражаси корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича қандайдир чоралар қўллаш зарурлигидан далолат беради. Ўрта даража шундан далолат берадики, корхона паст ва юқори даражалар ўртасида жойлашган ва корхона фаолиятининг айрим жараёнларига маълум ўзгартишлар киритилиши керак. Юқори даража корхонанинг молиявий ҳолати ва хўжалик фаолияти барқарорлиги, оптималлаштириш йўналишлари корхона фаолиятининг ижобий натижаларини кучайтиради. Биз, айнан рақобат разведкаси воситаларидан фойдаланишни таклиф этамиз.

Диссертациянинг «Ўзбекистон саноат корхоналари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида мамлакатимиз саноатининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш динамикасини ўрганиш асосида саноат корхоналари иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили ўтказилган ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшма таркибидаги

⁷ Муаллиф ишланмаси

корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланиш ҳолати баҳоланган.

Ўзбекистонда саноат корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолияти тизимини тартибга солиш, босқичма-босқич такомиллаштириш орқали соҳада ривожланишга эришилмоқда. Саноат тармоғининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 2016 йилда 43,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 61,5 фоизга етган. Саноатнинг ялпи қўшилган қиймати 2016 йилда 26,5 фоизни, 2020 йилга келиб 34,5 фоизни, таҳлил даври охирида эса 26,5 фоизни ташкил қилган. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиш суръатлари 2016 йилда 5,4 фоизни, 2018 йилда 10,8 фоизни ташкил этган бўлса, COVID-19 пандемияси таъсирига қарамай, 2020 йилда 0,9 фоизга ўсган. 2021 йилда эса ўсиш суръати 8,7 фоизни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари тараққиётининг асосий кўрсаткичлари динамикаси⁸

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (амалдаги нархларда), млрд. сўм	111869,4	148816,0	235340,7	322535,8	368740,2	451633,9
Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан %да	105,4	105,2	110,8	105,0	100,9	108,7
Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши (қурилишни қўшган ҳолда), %да	43,8	46,9	55,4	60,9	61,2	61,5
Саноатнинг ялпи қўшилган қиймати (қурилишни қўшган ҳолда), %да	26,5	31,1	34,4	34,2	34,5	26,5

Республикада сўнгги йилларда электротехника саноатини ривожлантириш ва модернизация қилиш, янги турдаги замонавий электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, тармоқнинг инвестициявий ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилган.

Мазкур йўналишлардаги ишларни янада жадаллаштириш, маҳаллий электротехника ва электромаиший маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш, тармоқ корхоналарининг илмий-технологик, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида 2021-2022 йиллар учун электротехника тармоғи самарадорлигининг қуйидаги асосий мақсадли кўрсаткичлари белгиланиб, унга кўра, мис хомашёсини чуқур қайта ишлаш ҳажмини 2021 йилдаги 55 минг тоннадан 2022 йилда 70 минг тоннага етказиш; маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2021 йилдаги 15 триллион сўмдан 2022 йилда 19 триллион

⁸Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

сўмгача ошириш; маҳсулотлар экспорти ҳажмини 2021 йилдаги 450 миллион АҚШ долларидан 2022 йилда 600 миллион АҚШ доллари миқдорига таъминлаш; тармоқдаги иш ўринлари сонини 2021 йилдаги 27 мингдан 2022 йилда 34 мингга етказиш каби муҳим вазифалар қўйилган.

Электротехника саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ қарорига белгиланган асосий мақсадли кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш ва уларни 2023 йилда камида 30 фоизга ошириш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифа қилиб қўйилди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун бизнингча, тармоқ корхоналари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетинг воситаларидан фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим бўлади.

Муаллиф томонидан диссертация ишида мамлакатда фаолият юритаётган электротехника саноати корхоналарининг 2010-2021 йиллардаги маълумотларидан фойдаланиб, кўп омилли эконометрик модель асосида корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги миқдорий баҳоланган.

Бунда корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи экзоген омиллар сифатида қуйидагилар танланган: натижавий омил – компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, минг сўмда (Y_1), таъсир этувчи омиллар сифатида эса – муқобил энергия сифатида, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, минг ГКа (X_1), қуёш электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган энергияси, миллион кВт.соат (X_2), ҳудудлар бўйича саноат маҳсулоти ҳажми (амалдаги нархларда млрд. сўм) (X_3), электр ускуналар ишлаб чиқариш индекси (ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан фоизда) (X_4), ҳудудлар кесимида электр энергияси ишлаб чиқариш миллион кВт.соат (X_5).

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича кўп омилли эконометрик модель тузишдан олдин, омиллар бўйича тавсифий статистика ўтказишда «Eviews-10» дастуридан фойдаланилди. Омиллар бўйича тавсифий статистика натижалари республикамиз электротехника саноати корхоналарининг маълумотлари асосида кўп омилли эконометрик моделнинг ҳисобланган параметрларини статистик жиҳатдан ўрганилган ва қуёш электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган энергия, миллион кВт.соат (X_2), электр ускуналар ишлаб чиқариш индекси (ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан фоизда) (X_4), ҳудудлар кесимида электр энергияси ишлаб чиқариш миллион кВт.соат (X_5) аҳамиятсиз омиллар сифатида аниқланган.

Регрессион моделнинг тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$Y_1 = -0,226X_1 + 0,009X_3 + 6303,9$$

Электротехника саноати корхоналарининг маълумотлари бўйича ҳисобланган кўп омилли эконометрик моделнинг параметрлари қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Электротехника саноати корхоналарининг (Y_1) маълумотлари бўйича ҳисобланган кўп омили эконометрик моделнинг параметрлари⁹

Dependent Variable: Y1
 Method: Least Squares
 Date: 05/15/22 Time: 09:50
 Sample: 2010 2021
 Included observations: 12

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
X1	-0.226226	0.077630	-2.914152	0.0172
X3	0.009864	0.001255	7.859844	0.0000
C	6309.649	2334.633	2.702630	0.0243
R-squared	0.909748	Meandependentvar		1397.754
Adjusted R-squared	0.889692	S.D. dependentvar		1689.755
S.E. of regression	561.2130	Akaikeinfocriterion		15.71040
Sumsquaredresid	2834641.	Schwarzcriterion		15.83162
Loglikelihood	-91.26238	Hannan-Quinnriter.		15.66551
F-statistic	45.36030	Durbin-Watsonstat		1.464740
Prob(F-statistic)	0.000020			

Ушбу моделнинг автокорреляцияга текшириш тести ўтказилди. Қўшни кузатувларда корреляция мавжудлиги Бреуш-Годфри тести асосида қуйидаги тенглама ёрдамида текширилади:

$$e_t = p * e_{t-1} + v_t, t = 1, \dots, n$$

бу ерда,

e_t - энг кичик квадратлар усули орқали олинган регрессия қолдиқлари;

p - коэффициент нолдан фарқли бўлади;

n - кузатувлар сони.

Моделнинг автокорреляцияга текширув тести натижаларига кўра, иккала лаг ҳам (resid (-1) ҳамда resid (-2)) қиймати мос равишда 0,5456 ва 0,9910 га тенг бўлиб, тасодифий четланишларнинг автокорреляцияси мавжуд эмаслиги тўғрисидаги H_0 гипотезани қабул қиламиз. Ушбу тест натижаларига кўра, регрессия қийматлари (p) 0,05 дан катта бўлиб, гетероскедотастиклик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги H_0 гипотезани рад этамиз, муқобил гипотеза гетероскедотастиклик мавжуд ҳисобланади.

Эконометрик моделнинг ҳисобланган параметрларини интерпретация қиладиган бўлсак, *ceteris paribus* ҳолатда, мамлакатимизда муқобил энергия сифатида иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг 1 бирликка ошиши, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 0,22 бирликка камайишига, ҳудудлар бўйича саноат маҳсулоти

⁹муаллиф ҳисоб-китоблари

ҳажмининг 1 бирликка ошиши, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 0,009 бирликка ортишига олиб келади.

Диссертацияда таклиф этилган “Рақобат разведкаси” воситаларидан фойдаланиш асосида саноат корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда унинг самарадорлигини аниқлаш «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибидаги икки корхона – «Foton» АЖ ва «Zenit electronics» МЧЖ мисолида амалга оширилган.

Иқтисодий хавфсизликни ҳисоблаш учун корхоналарнинг 2015 – 2021 йиллардаги ишбилармонлик фаоллиги, рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичларидан фойдаланилган (4-жадвал).

«Foton» АЖнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш натижалари¹⁰ 4-жадвал

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Маҳсулот сотишдан тушган тушум (минг сўм)	7 910 839	1 553 116	1 331 433 6	1 544 114 4	1 741 538 3	2 193 858 4	2 323 869 5
Активлар (минг сўм)	5 688 554 1	5 897 461	6 184 168	8 267 529	8 820 772	9 496 156	9 794 340
Ўз маблағлари (минг сўм)	1 114 333	1 114 333	1 114 333	1 114 333	1 114 333	1 114 333	1 114 333
Узоқ муддатли қарз маблағлари (минг сўм)	59 122	23 650	774 900	796 597	818 901	841 831	841 831
Капитал айланиш коэффициенти	3,41	1,23	9,86	2,00	5,36	5,32	5,37
Капиталнинг айланиш тезлиги коэффициенти	2,05	1,72	0,32	1,87	1,97	2,31	2,46
Қайтиш коэффициенти	2,05	1,72	0,32	1,87	1,97	2,31	2,46
Ўз маблағларини қайтиш коэффициенти	7,10	8,77	1,79	13,86	15,63	19,69	21,64
Маблағларнинг қайтиш коэффициенти	1,08	0,93	0,12	1,08	1,52	2,50	2,58
Пул маблағларининг қайтиш коэффициенти	1,71	7,17	2,92	12,93	5,82	5,38	6,32
Ҳисоб рақамдаги маблағларнинг айланиш коэффициенти	11,55	4,62	0,56	13,44	12,36	5,62	5,70
Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти	7,86	30,16	40,31	45,14	553,06	284,72	115,93
Биринчи формула бўйича ишчанлик фаоллиги	13,91	26,34	215,30	186,77	197,44	231,03	237,27
Молиявий барқарорлик коэффициенти	0,289	0,196	0,180	0,135	0,126	0,117	0,364
Ишлаб чиқилган модель бўйича иқтисодий хавфсизлик коэффициенти	0,009	0,015	0,000	0,409	6,868	6,011	6,261

«Foton» АЖни иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичларини баҳолаш натижалари қуйидагиларни аниқлаш имкониятини берди: охириги 7 йил ичида пул тушумлари кўрсаткичлари сезиларли яхшиланган, 2021 йилда бу кўрсаткич 2 323 869 5,0 минг сўмга тенг бўлган, корхона активлари 3,1 фоизга ўсганлиги кузатилган, соф фойда мусбат натижага эга. Капиталнинг умумий айланма коэффициенти 2021 йилда 2015 йилга нисбатан 48,7%га ошган,

¹⁰ муаллиф ҳисоб-китоблари

мобиль маблағлар айланма коэффициенти 1,2%га ошган, маблағлар айланмаси коэффициенти 2,39 мартага ошган ва кредитор қарздорлиги айланма коэффициенти 65,9 мартагача ошиш тенденциясига эга. Хулоса қиладиган бўлсак, иқтисодий самарадорлик коэффициенти рақобат разведкаси воситалари татбиқ этилгандан сўнг 0,25 коэффициентга ошган.

«Zenit electronics» МЧЖнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш натижаларига кўра, ишбилармонлик фаоллиги коэффициенти 2021 йилда 2015 йилга нисбатан қарийб 17 мартага ошган, молиявий барқарорлик 39,4%га камайган, бироқ ишлаб чиқилган модель бўйича ҳисобланган иқтисодий хавфсизлик коэффициенти (2021 йилни оламиз) ўрта даражадаги ҳолатини кўрсатган (5-жадвал).

5-жадвал

«Zenit electronics» МЧЖнинг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш натижалари¹¹

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Маҳсулот сотишдан тушган тушум (минг сўм)	12355632	2012061	2117969	2325512	10746393
Активлар (минг сўм)	2350925	3042048	4621094	4840000	4840000
Ўз маблағлари	14949000	14949000	14949000	14949000	14949000
Узоқ муддатли қарз маблағлари (минг сўм)	20041075	20044833	20044833	19944833	19944833
Капитал айланиш коэффициенти	0,10	0,11	0,19	0,17	0,18
Капиталнинг айланиш тезлиги коэффициенти	0,37	0,36	0,19	0,22	0,35
Қайтиш коэффициенти	0,66	0,62	0,31	0,36	0,84
Ўз маблағларини қайтиш коэффициенти	0,84	0,84	0,50	0,54	0,59
Маблағларнинг қайтиш коэффициенти	4,45	4,23	2,43	2,60	2,54
Пул маблағларининг қайтиш коэффициенти	28,97	1097,14	193,71	104,00	388,19
Ҳисоб рақамдаги маблағларнинг айланиш коэффициенти	8,20	6,38	1,79	2,94	8,32
Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти	0,70	0,66	0,33	0,32	0,57
Биринчи формула бўйича ишчанлик фаоллиги	5,3	0,7	0,5	0,5	2,2
Молиявий барқарорлик коэффициенти	22,7	17,1	11,0	10,5	10,76
Ишлаб чиқилган модель бўйича иқтисодий хавфсизлик коэффициенти	0,00001	0,00019	0,000001	0,000001	0,000025

Кейинги босқичда муаллиф томонидан «Foton» АЖ ва «Zenit electronics» МЧЖ бўйича молиявий баҳолаш мезонлари ҳисоблаб чиқилган. «Zenit electronics» МЧЖ маълумотларини ҳисоблаб қуйидаги хулосага келамиз: 5 йил ичида пул тушумлари кўрсаткичлари ошган, лекин маҳсулот таннархи ошганлиги сабабли фойда сезиларли даражада пасайган, 2021 йилда пул

¹¹муаллиф ҳисоб-китоблари


тушумлари 110714,99 минг сўмга, корхона активлари 125271,11 минг сўмга ошганлиги кузатилди, ўзининг капитали 6683,04 минг сўмга камайди, соф хавфсизлик коэффициенти ҳамда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари корхонада рақобат разведкаси воситалари татбиқ этилгандан кейин иқтисодий хавфсизлик коэффициенти қарийб 0,25 га ошганлигини кўришимиз мумкин.

